



Ўзбекистон Республикаси Спорт  
вазирлиги

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети

## **“ОММАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СПОРТ МЕНЕЖМЕНТИ ВА МАРКЕТИНГИ: АСОСИЙ ОМИЛЛАР, ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР”**

**мавзусидаги Халқаро илмий конференция  
ўтказилиши ҳақидаги  
АХБОРОТ ХАТИ**

2024 йил 5 октябр кунлари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида Халқаро илмий анжумани ўтказилади.

**Анжуманнинг илмий дастури қўйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:**

- ✓ Янги Ўзбекистонда оммавий спортни ривожлантиришнинг долзарб масалалари
- ✓ Замонавий спорт индустриясини ташкил этишда спорт менежментининг мақсад ва вазифалари
- ✓ Спорт тадбирларини ташкил этиш ва бошқаришдаги асосий мақсадлар ва тамойиллар
- ✓ Рақамли иқтисодиёт шароитида спорт маркетинг тизими барқарорлигини таъминлашда асосий муаммолар ва илмий ечимлар

**Анжуман тиллари:** ўзбек, рус, инглиз.

**Анжуманда иштирок этиш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:**

- оғзаки маъруза билан чиқиш, on-line шаклда иштирок этиш, кўргазмали маъруза, маърузаларни муҳокамасида иштирок, баҳслар, мастер класслар;
- илмий мақола нашри.

**Анжуманда иштирок этиш тартиби:**

**Анжуманда иштирок этиш бепул.**

Илмий-амалий анжуман тўпламида мақолангизни нашр этишингиз учун Сиз 2024 йил 4 октябр кунига қадар:

- 1) илмий ишни электрон шаклини
- 2) Ҳар бир материал алоҳида файлда расмийлаштирилиб, муаллиф номи билан номланиши керак «Ибрагимов\_тезис» (тезислар учун);

қўйидаги манзилларга юборишингиз лозим : [conferen90@mail.ru](mailto:conferen90@mail.ru)

Ишнинг электрон шаклидаги матни, талабларга мос тарзда келиши лозим. Бир муаллиф (хаммуалиф)дан *икки нусхадан ортиқ мақола* қабул қилинмайди.

**Илмий мақолани расмийлаштириш қўйиладиган талаблар:**

**Материалларни расмийлаштириш талаблари:**

- материаллар 5 бет хажмдан ошмаслиги талаб этилади, бетлар РАҚАМЛАНМАЙДИ;
- Word 2000/2016, А4 матн муҳаррири форматида бўлиши лозим (rtf форматида рухсат этилмайди).
- шрифт Times New Roman ўлчами 14 pt., интервал - 1, (абзац)–1,25 см, чеккалари: пастки, ўнг, чап бурчаклари ўлчами - 2 см;
- ишнинг матнида бўғин кўчиришлари бўлмаслиги лозим;
- матн бошининг ўрта қисмида катта ҳарфлар билан ишнинг номланиши ёзилади;
- битта интервал пастда кичик ҳарфлар билан муаллиф (лар) нинг исми шарифининг бош ҳарфлари ва фамилияси келтирилади;
- ундан пастда фаолият олиб борилаётган корхонанинг тўлиқ номи келтирилади (кичик ҳарфлар), шаҳар, давлат;
- ундан пастки қисмда битта муаллифнинг электрон почта манзили келтирилиши лозим;
- мақола матнида кириш (долзарблиги), илмий изланишлар ва услублар, тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси, хулоса ва адабиётлар рўйхати (агар бор бўлса);
- матнга жадваллар ва турли графиклар қўшиш мумкин (учтадан кўп эмас), мақолада уларнинг жойлашиши тартибини кўрсатиш лозим, мисол учун-расм 1, расм 2, жад. 1;
- илмий мақолалар “Антиплагиат” тизимида текширилади. Матнинг оригиналлик даражаси **60 %**дан кам бўлмаслиги талаб этилади.

**Юқорида қайд қилинган талабларга риоя қилиб ёзилмаган илмий ишлар анжуман тўпламига киритилмайди.**

Ташкилий қўмита конференция тўпламида нашр этиш учун илмий ишларни танлаш ҳамда конференция мавзусига қўйилган талабларга мувофиқ бўлмаган материалларни рад этиш ҳуқуқига эга. Мақолалар муаллифлик таҳририда нашр этилади. Юборилган материаллар мазмуни учун илмий ишнинг муаллифлари жавобгардирлар.

**Анжуман ишлари:**

Анжуман натижаларига кўра қуйидагилар режалаштирилган:

-анжуман материаллари тўпламини нашр этиш, тўпламга кутубхонанинг УДК, ББК индекслари ҳамда халқаро стандартдаги китоб рақами (ISBN) берилади.

-анжуман материаллари тўплам сифатида нашр этилади.

**Анжуманни ўтказиш жойи ва вақти:**

Анжуман ташкилий қўмитасининг манзили: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19 уй.

Тел./факс:, +998-97-400-88-30 – Зиядуллаев Комил Шамсиевич

+998-90-941-63-33

*Ташкилий қўмита*